

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 615.035.1:616.5:616.5-003.829.85

СУЛТАНОВА Гулнора Абилджановна

СУТ БЕЗИ ҲАВФЛИ ЎСМАСИ КАСАЛЛИГИНИ ДАВОЛАШДА
ИШЛАТИЛАДИГАН ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИНГ
ФАРМАКОИҚТИСОДИЙ ИЗЛАНИШЛАРИ

15.00.01 –дори технологияси ва фармацевтика ишиларини ташкил этиш

Фармацевтика фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун ёзилган диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2011

Иш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент фармацевтика институтида бажарилган.

Илмий раҳбар: фармацевтика фанлари доктори, профессор
Зайнутдинов Хикматулла Суннатович

Расмий оппонентлар: фармацевтика фанлари доктори, профессор
Камилов Хусан Масудович

фармацевтика фанлари номзоди, доцент
Ибрагимова Мухаббат Яхяевна

Етакчи ташкилот: “Дори – дармон” акционерлик компанияси

Ҳимоя Тошкент фармацевтика институти ҳузуридаги Д 087.12.01 рақамли кенгашнинг 2011 йил “_____” _____соат “_____” да ўтадиган мажлисида бўлади. Манзил:100015, Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 45 уй.

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот ресурслари марказида танишиш мумкин.

Автореферат “_____” _____2011 йилда тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш илмий котиби
фармацевтика фанлари доктори

М. И. Алихўжаева

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотига асосан онкологик касалликларнинг ўсиш ва ўлим кўрсаткичи бутун дунё бўйича 1999-2020 йиллар оралиғида 2 мартага кўпайиши, яъни янги касалланиш кўрсаткичининг 10 млн. дан 20 млн. га ошиши, ўлим кўрсаткичининг 6 млн. дан 12 млн. гача ошиши кутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг муҳим йўлларида бири – тиббиёт амалиётида дори воситаларидан оқилона фойдаланишдир. Фармакоиктисод тадбирлари бугун юқори самарадорликка эришиш учун кетган сарф-харажатларни ҳисоблашга асосланган дори воситаларини танлашни осонлаштирувчи омилдир. Шу муносабат билан дори воситаларидан рационал фойдаланиш, даволаш сифати ва иқтисодий самарадорлигини ошириш мақсадида онкологик касалликлар бўйича фармакоиктисодий изланишлар олиб бориш зарур деб топилди. Фармакоиктисодий изланишлар даволаш стандартлари ва формуляр рўйхатлар тузиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Фармакоиктисодий изланишлар асослари, одатда даволаниш жараёни, даволанишнинг самарадорлиги ва ҳавфсизлиги натижаларига кўра баҳоланади. Бу мақсадда ЖССТ томонидан даволаниш натижалари баҳосининг аниқ мезонларини олиш имкониятларини берувчи махсус ёндашув ва тамойиллар ишлаб чиқилган, масалан GCP (Good Clinical Practice) ва бошқалар. Шу билан бирга даволаниш қиймати ва беморларнинг сони ортиб бораётган шароитда бемор ва жамият ҳамда даволаниш учун ишлатилган дори воситаларининг харажатлари қанчалик оқланганлигини билиш муҳим, яъни даволаниш самарадорлиги ва ҳавфсизлигини баҳолайдиган аниқ иқтисодий мезонлар ишлаб чиқилиши зарурдир.

Адабиётларда онкологик касалликларни даволашда ишлатиладиган дори воситалардан оқилона фойдаланиш бўйича ўтказилган таҳлил натижалари маълумотлари етарли даражада эмаслиги, бу йўналишда фармакоиктисодий таҳлил бўйича тизимли изланишлар зарурлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси онкологик касалликлар бўйича интенсив кўрсаткич 100 минг аҳоли сонига нисбатан - 68,1 га тенг. 2008 йил маълумотларига асосан ҳаётида биринчи марта ҳавфли ўсма ташҳиси қўйилган 18757 бемор аниқланган. 2009 йил ҳолатига кўра Ўзбекистон Республикаси бўйича 91252 бемор диспансер рўйхатига олинган.

Шу сабабли, соғлиқни сақлаш тизимида онкологик касалликларни (жумладан сут беги ҳавфли ўсмасини) даволашнинг самарали усуллари аниқлаш, шунингдек даволаш харажатларини камайтириш учун зарур бўлган дори воситаларини қўллаган ҳолда илмий асосланган “даволаш стандартлари” ни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш тиббиёт ва доришунос мутахассислар олдидаги долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ушбу диссертацияда ўрганилган адабиёт манбалари, бирламчи тиббий ва статистик маълумотлар асосида Ўзбекистон Республикасида сут бези ҳавфли ўсмаси касаллигини даволашда ишлатиладиган дори воситаларининг фармакоиктисодий изланишлари илк бор ўтказилган. Даволаш самарасини оширишга қаратилган дори воситаларни қўллаган ҳолдаги муқобил даволаш усуллари жорий қилинган ва фармакоиктисодий самарадорлиги ўрганилган.

Олинган натижалар асосида сут бези ҳавфли ўсмасини даволашнинг тизимлаштирувчи муқобил усуллари танланган бўлиб, диссертацияни тугалланган илмий текшириш иши деб ҳисоблаш мумкин.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент фармацевтика институти Фармацевтика ишини ташкил қилиш кафедраси илмий-тадқиқот ишлари режаси асосида бажарилди.

Тадқиқот мақсади. Сут бези ҳавфли ўсмаси касаллигини даволашда ишлатиладиган дори воситаларининг фармакоиктисодий таҳлилини ўтказиш ҳамда ҳаёт сифатини яхшилаш, унинг давомийлигини узайтириш, даволаш муддатларини қисқартириш ва бюджет маблағларини иқтисод қилиш имконини берадиган дори воситалари билан даволашнинг муқобил усулини танлаш.

Тадқиқот вазифалари. Мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни бажариш режалаштирилган:

- айрим давлатлар бўйича шунингдек, Ўзбекистон Республикасида онкологик касалликларни даволашнинг замонавий усуллари ҳамда фармакоиктисодий таҳлил ҳақидаги ҳорижий ва маҳаллий адабиётларда келтирилган маълумотларни ўрганиш ва умумлаштириш;

- Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ўртасида онкологик касалликлар, жумладан сут бези ҳавфли ўсмасининг тарқалиш динамикасини, демографик ва ижтимоий кўрсаткичлари маълумотларини таҳлил қилиш;

- онкологик касалликларда қўлланиладиган дори воситалар ассортиментини контент таҳлил қилиш;

- Ўзбекистон Республикаси онкология илмий маркази(РОИМ) бўйича сут бези ҳавфли ўсмаси билан касалланган беморларнинг дори воситалари таъминотини баҳолаш;

- илмий асосланган ABC/VEN таҳлил ўтказиш;

- “касалланиш қиймати” ва “қиймат самарадорлик” фармакоиктисодий усуллари ёрдамида сут бези ҳавфли ўсмаси касаллигини даволашда ишлатиладиган дори воситаларнинг фармакоиктисодий таҳлилини ўтказиш;

- изланиш натижаларига кўра энг самарали, ҳавфсиз ҳамда иқтисодий сарф-ҳаражатларни иқтисод қилиш имконини берадиган дори воситасини даволаш муассасалари формулярига ва Ўзбекистон Республикаси(ЎЗР) “Асосий дори воситалар рўйхати” га киритиш бўйича тавсиялар бериш;

– фармакоиктисодий изланиш натижалари асосида илмий услубий тавсиянома тайёрлаш ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги муассасалари ҳамда Тошкент Фармацевтика институти ўқув жараёнига тадбиқ этиш;

Тадқиқот объекти ва предмети. Изланишлар ЎЗР Соғлиқни сақлаш вазирлиги РОИМ бўйича 2004-2008 йиллар маълумотлари асосида олиб борилди. Тадқиқот предмети бўлиб, ЎЗР бўйича қабул қилинган ҳуқуқий ва меърий ҳужжатлар, ЎЗР Соғлиқни сақлаш вазирлиги ахборот статистика марказининг статистик ҳисоботлари ва беморларнинг касаллик варақалари бўйича эксперт хулосалари хизмат қилди.

Тадқиқот усуллари. Изланишларда “касалланиш қиймати”, “қиймат самарадорлик”, ABC/VEN таҳлил, контент таҳлил усуллари ҳамда эксперт баҳолаш, сўровнома ва анкета ёрдамида таҳлил қилиш усуллари асосида олиб борилди.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

– Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ўртасида онкологик касалликлар, жумладан сут беzi ҳавфли ўсмаси касаллигининг тарқалиши ва ўсишини таърифловчи асосий тиббий демографик ҳамда ижтимоий кўрсаткичлар натижалари;

– онкологик касалликларда қўлланиладиган дори воситалар ассортиментини контент таҳлил натижалари;

– ABC/VEN таҳлил усуллари ёрдамида даволаш-профилактика муассасаси шароитида сут беzi ҳавфли ўсмаси билан касалланган беморларни дори воситалар таминоти тизимини ўрганиш натижалари;

– сут беzi ҳавфли ўсмаси касаллигини даволашнинг фармакоиктисодий таҳлил усулларида “касалланиш қиймати”, “қиймат – самарадорлик” таҳлилларининг натижалари;

– фармакоиктисодий изланишлар натижаларига кўра сут беzi ҳавфли ўсмаси касаллигида қўлланиладиган дори воситаларидан самарали фойдаланиш бўйича илмий асосланган тавсиялар.

Ишнинг илмий янгилиги. Биринчи мартаба “касалланиш қиймати” ва “қиймат – самарадорлик” таҳлилари ёрдамида сут беzi ҳавфли ўсмаси касаллигини адъювант гормонотерапиясида ишлатиладиган дори воситаларининг фармакоиктисодий изланишлари ўтказилди.

ABC/VEN таҳлил усуллари ёрдамида даволаш-профилактика муассасаси шароитида сут беzi ҳавфли ўсмаси билан касалланган беморларни дори воситалар таминоти ўрганилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ўтказилган изланишлар натижасида самарали дори воситаларини қўллаган ҳолда сут беzi ҳавфли ўсмаси касаллигини даволашнинг илмий асосланган муқобил усули аниқланди. Олинган натижалар сут беzi ҳавфли ўсмаси касаллигини даволашда беморлар ҳаёт сифатини яхшиловчи, ҳаёт давомийлигини узайтирувчи, даволаш муддатларини қисқартириш ва бюджет маблағларини иқтисод қилишга олиб келадиган дори воситаларни тавсия этиш имконини беради.

Сут беи ҳавфли ўсма касаллигини даволашда тамоксифен ва летрозол дори воситаларини қўллаган ҳолда адъювант гормонотерапиянинг турли даволаш усуллари учун сарфланган бюджет маблағларининг иқтисодий самарадорлиги аниқланди. Икки хил таққосланган даволаш усуллариининг фармакоиқтисодий таҳлил натижалари ва Карновский шкаласи бўйича баҳолаш летрозол дори воситаси билан даволаш беморларнинг даволаш самарадорлигини ошириши, ҳаёт сифатини яхшилаши ҳамда даволаш муддатларини қисқартириш имконини беришини кўрсатди.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Илмий изланиш натижасидаги тавсиялар асосида летрозол дори воситаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 24 июль 2009 йил 230-сон буйруғи билан тасдиқланган “Асосий дори воситалар рўйхати” га ва РОИМ ҳамда онкологик диспансерлар формулярларига киритилди.

Фармакоиқтисодий таҳлил натижалари асосида “Дори воситаларининг фармакоиқтисодий таҳлилининг ўтказиш” мавзусида услубий тавсиянома чоп этилиб, у “Дори – дармон” акционерлик компанияси дорихона муассасалари амалиётида, РОИМ амалий фаолиятида ҳамда Тошкент Фармацевтика институти “Фармация” ва “Фармацевтика ишини ташкил қилиш” кафедралари ўқув жараёнига татбиқ этилди.

Олинган натижалар асосида “Дори воситалардан оқилона фойдаланишда ва самарали формулярлар яратишда ABC/VEN таҳлил услубиятининг аҳамияти” мавзусида ўқув услубий қўлланма чоп этилди ва Тошкент Фармацевтика институти Фармацевтика ишини ташкил қилиш кафедраси 5 курс талабалари учун “Фармацияда долзарб муаммолар” фанидан ўқув жараёнига татбиқ этилди.

Ишнинг апробацияси. Диссертация ишининг асосий мазмуни куйидаги илмий анжуманларда муҳокама қилинган: Тошкент фармацевтика институтининг 65 йиллигига бағишланган “Фармацияда таълим, фан, ва ишлаб чиқариш интеграцияси” мавзусидаги илмий – амалий анжуманда (Тошкент, 2002); Профессор Р.Л.Хазанович таваллудининг 100 йиллигига бағишланган “Табиий хом ашёлар асосида дори воситаларининг олиниши, таҳлили ва қўлланишидаги ютуқлар” мавзусидаги Республика илмий – амалий анжуманда (Тошкент, 2006); Тошкент фармацевтика институтининг 70 йиллигига бағишланган “Фармацияда таълим, фан, ва ишлаб чиқариш интеграцияси” мавзусидаги илмий – амалий анжуманда (Тошкент, 2007); Тошкент фармацевтика институтининг “Фармацияда таълим, фан, ва ишлаб чиқаришнинг долзарб масалалари” мавзусидаги илмий – амалий анжуманда (Тошкент, 2008); Тошкент фармацевтика институтининг “Фармацияда таълим, фан, ва ишлаб чиқаришнинг долзарб масалалари” мавзусидаги илмий – амалий анжуманда (Тошкент, 2009) ҳамда Тошкент фармацевтика институти Фармацевтика ишини тақил қилиш кафедраси мажлисида (16 декабр 2009 йил 7-сонли мажлис баёни) ва Тошкент фармацевтика институти илмий семинарида (28 апрель 2010 йил 7-сонли мажлис баёни).

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация иши бўйича 2 та мақола, 11 та мақолаларнинг қисқача матни ҳамда “Дори воситаларининг

фармокоиктисодий таҳлилини ўтказиш” мавзусида илмий-услубий тавсиянома ва “Дори воситалардан оқилона фойдаланишда ва самарали формулярлар яратишда ABC/VEN таҳлил услубиятининг аҳамияти” мавзусида ўқув услубий қўлланма чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши 120 саҳифадан иборат бўлиб, кириш, 4 та боб, умумий хулосалар, адабиётлар рўйхати ва иловадан ташкил топган. Диссертацияда 14 та жадвал ва 15 та расм мавжуд. Иловада расмий ҳужжатлар келтирилган. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати 100 та манбаларни ўз ичига олади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муоммонинг ўрганганлик даражаси, диссертация ишини илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги, диссертация иши мақсади, диссертация ишининг вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқот усуллари, ҳимояга олиб чиқиладиган асосий масалалар, ишнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, ишнинг муҳокамаси, тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ берилган.


Биринчи бобда адабиётлар шарҳи келтирилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси даволаш-профилактика муассасаларини дори воситалари билан таъминлашга оид қонуний ва меъёрий ҳуқуқий мезонлар берилган, дори воситаларининг самарадорлигини иқтисодий баҳолашнинг асосий мезони сифатида формуляр тизимга шарҳ берилган, фармокоиктисодий таҳлилнинг дори воситалари самарадорлигини иқтисодий баҳолашдаги ўрни кўрсатилган, Европа Иттифоқига кирувчи давлатларда фармокоиктисодиётнинг ҳозирги кундаги изланишлари шарҳлаб берилган.

Иккинчи бобда онкологик касалликларни даволашда ишлатиладиган дори воситалар бўйича фармокоиктисодий таҳлил ўтказиш усуллари, илмий тадқиқот объекти келтирилган.

Учинчи бобда сут беги ҳавфли ўсма касаллигининг эпидемиологияси ва нозологияси, бу касалликда қўлланиладиган дори воситалар таҳлили ва РОИМ бўйича дори воситалар таъминоти ҳолатини ўрганиш натижалари, онкологияда қўлланиладиган дори воситалари ассортименти таҳлили натижалари баён этилган.


Тўртинчи бобда илмий изланиш жараёнида олиб борилган ABC/VEN таҳлил ҳамда касалланиш қиймати” ва “қиймат самарадорлик” каби фармокоиктисодий таҳлил натижалари келтирилган.

Таҳлил натижаларига кўра Ўзбекистон Республикасида онкологик беморлар сони 2004 йилда 100 минг аҳоли сонига нисбатан 67,7 ни ташкил қилган. 2008 йилда бу кўрсаткич деярли ўзгармаган ва 100 минг аҳоли сонига нисбатан 68,1 ни ташкил қилган (1-расм). Лекин, 2007 йилда касалланиш кўрсаткичи энг юқори бўлганини кўришимиз мумкин.



1-расм. Ўзбекистон Республикаси бўйича 100 минг аҳоли сонига нисбатан 2004-2008 йиллар давомида онкологик касалликлар кўрсаткичи

2004 йилда Ўзбекистон Республикаси бўйича диспансер ҳисобига олинган беморлар сони 82613 тани ташкил қилди, 2008 йилда эса ушбу кўрсаткич кескин ошган ва 90581 ни ташкил этган (2-расм).



2-расм. Ўзбекистон Республикаси бўйича 2004-2008 йилларда диспансер рўйхатига олинган беморлар сони


3-расмда 2008 йил ҳолати бўйича МДХ давлатларида турли онкологик касалликларнинг тарқалиши қиёсий демографик таҳлил натижалари келтирилган.

Демографик таҳлил натижаларига кўра Ўзбекистон Республикаси бўйича аёллар ўртасида 1-ўринни сут беzi ҳавфли ўсмаси эгаллайди (10,6 %), 2-ўринни ошқозон ҳавфли ўсмаси (9,5 %), 3-ўринни ўпка ҳавфли ўсмаси (6,2 %), 4- қизил ўнгач ҳавфли ўсмаси (5,9 %), 5- ўринни бачадон-бўйни ҳавфли ўсмаси (5,8 %) эгаллаган.


Ҳавфли ўсмаларга қарши қўлланиладиган дори воситалар ассортиментини контент таҳлил қилиш мақсадида уларнинг Ўзбекистон Республикасида қайд этиш натижалари ўрганилди.

Ҳозирги вақтда онкологияда ишлатиладиган дори воситалари ассортиментининг кенглиги 103 та савдо номини ташкил қилади. Дори воситалари ва тиббий буюмлар Давлат Реестрининг 2009 йил 13- нашрида 85 та дори воситаси хорижий давлатлар ва 18 та дори воситаси МДХ давлатлари ишлаб чиқарувчилари томонидан қайд этилганлиги аниқланди.


Касаллик турлари




Касаллик турлари



Касаллик турлари




Касаллик турлари



3-расм. МДХ давлатлари мисолида турли онкологик касалликларнинг тарқалиш демографик таҳлил натижалари


Охирги йилларда Ўзбекистон Республикаси бўйича хавфли ўсмага қарши дори воситалар таъминоти яхшиланганлигини кўришимиз мумкин. Йилдан-йилга бу дори воситаларга бўлган эҳтиёжни қоплаш улуши ортиб бормоқда. Айниқса таъминланаётган дори воситаларининг замонавийлигини ва юқори самарадорлигини таъкидлаш лозим. Шу кунда Республика онкологик муассасалари марказлашган ҳолда 18 номдаги дори воситалари билан таъминланмоқдалар (2000 йилда бу кўрсаткич 6 номдаги дори воситасига тўғри келар эди). Натижада Республика онкологик муассасаларининг хавфли ўсмага қарши дори воситаларга бўлган эҳтиёжини қоплаш 2008 йилда 60% ни ташкил этган (2007 йилда-57,9%).




4- расм. РОИМ бўйича 2006 йил учун дори воситалар таъминоти таҳлили

Илмий изланишларда тадқиқот объекти бўлган РОИМ бўйича беморларнинг касаллик варақалари таҳлили асосида сут беги ҳавфли ўсмаси касаллигида қўлланиладиган дори воситалари таъминоти ўрганилди.

4, 5 ва 6-расмларда РОИМ бўйича 2006-2008 йилларда сут беги ҳавфли ўсмаси касаллигида қўлланиладиган дори воситалар таъминоти таҳлили натижалари келтирилган. Таҳлил натижаларига кўра 2006 йилда дори воситалари таъминоти бюджет ҳисобига 62%, беморлар томонидан 19%, марказлашган тартибдаги таъминот(тендер) 18% ва мурувват ёрдами бўйича таъминот 1% ни ташкил қилган.



5- расм. РОИМ бўйича 2007 йил учун дори воситалар таъминоти таҳлили



6- расм. РОИМ бўйича 2008 йил учун дори воситалар таъминоти таҳлили

2007-2008 йилларда дори воситалар таъминоти бюджет маблағлар ҳисобига 65 ва 67%, беморлар томонидан 18,8 ва 18,6%, тендер йўли билан сотиб олинган дорилар ҳисобига 15,8 ва 12,4%, мурувват ёрдам ҳисобига 0,4 ва 1,98% ни ташкил қилган.

Даволаш профилактика муассасалари таъминот фаолиятининг самарадорлиги уларнинг дори воситаларини тўғри танлаши, сотиб олиши ва ишлатилиши билан узвий боғлиқдир. Бу жараёни бошқариб турувчи механизмлардан бири ABC ва VEN таҳлилдир. ABC таҳлил алоҳида дори

воситалари ва тиббий буюмларни йиллик эҳтиёж асосида энг кўп ҳамда энг кам ҳаражат талаб этувчи 3 гуруҳга ажратади.

1-жадвалда илмий изланиш объекти бўлган РОИМ дорихонасида ўтказилган ABC ва VEN таҳлили натижалари келтирилган. “А” гуруҳига ҳавфли ўсма касалликларида ишлатладиган 24 дори воситалари кирган бўлиб, уларга 75 % маблағ сарфланган. “В” гуруҳига 20 турдаги дори воситалари кирган бўлиб, уларга 19% маблағ сарфланган. “С” гуруҳига 39 турдаги дори воситалари кирган ва уларга 6% маблағ сарфланган.


1-жадвал

**Ҳавфли ўсма касалликларида ишлатиладиган дори
воситаларининг ABC таҳлили**

Гуруҳлар	Дори воситаси		Қиймати, %
	сони	%	
A	24	29	75
B	20	24	19
C	39	47	6


VEN таҳлил дори воситаларининг самарали қўлланилишини баҳолаб, ABC таҳлил билан бир вақтда ўтказилади. VEN таҳлилда дори воситалари V(vital-ҳаётий зарур дори воситалари), E(essential- ҳаётий зарур бўлмаган, лекин муҳим дори воситалари), N(non-essential - иккинчи даражали дори воситалари) каби гуруҳларга ажратилади.

РОИМ бўйича VEN таҳлил натижаларига кўра V гуруҳига ўсма касалликларида ишлатиладиган дори воситаларининг 14 таси (52 %), E гуруҳига 8 таси (35%) ва N гуруҳига 5 таси (13%) кириши аниқланди(7-расм).



**7-расм. РОИМ бўйича ҳавфли ўсма касалликларида ишлатиладиган
дори воситаларининг VEN таҳлил натижалари**

8-расмда илмий изланишлар жараёнида сут бези ҳавфли ўсма касаллигини даволашда сарфланган ҳаражатларни иқтисодий баҳолаш ва “касалланиш қиймати”, “қиймат самарадорлик” таҳлили натижалари келтирилган. Олинган натижалар асосида сут бези ҳавфли ўсма касаллигини даволашдаги умумий ҳаражатларнинг тақсимланиши аниқланган.



8-расм. Сут беи ҳавфли ўсма касаллигини даволашдаги умумий харажатларнинг тақсимланиши (2008 йил)

Диссертация изланишларда сут беи ҳавфли ўсма касаллигини адъювант гормонотерапиясида қўлланиладиган бир қанча дори воситалари ўрганилган. Улардан анастрозол, аминоглютимид, гозерелен (золадекс) ва бошқалар. Бу дори воситаларидан летрозол ва тамоксифен энг кўп қўлланиладиган ва самарали эканлиги аниқланди. Қуйида бу дори воситаларининг альтернатив даволаш харажатларининг фармакоиктисодий таҳлил натижалари келтирилган.

2-жадвалда сут беи ҳавфли ўсмасининг адъювант гормонал даволашда ишлатиладиган тамоксифен ва летрозол дори воситаслари бўйича альтернатив даволашга сарфланадиган ўртача бевосита харажатлар аниқланган.

2-жадвал

Бирламчи стационар даволашга кетадиган харажатларнинг иқтисодий таҳлили. (2008 йил учун)

Даволаш турлари	Ўрин-кун ўртача бандлиги	Ўрин-кун харажатлари, сўм	Даволаш харажатлари, сўм
Тамоксифен	10	396160	751165
Летрозол	10	396160	840065

Сут беи ҳавфли ўсмаси касаллигини гормон препаратлари билан даволашдаги харажатлар тузилишидан кўриниб турибдики, тамоксифен ва летрозол дори воситалари билан даволашда ўрин-кун харажатлари бир хил, даволаш харажатларида летрозол дори воситаси билан даволаганда 88900 сўмга кўплиги ҳисобланди.

**Такроран стационар даволашга кетган ҳаражатларнинг
иқтисодий таҳлили. (2008 йил учун)**

Даволаш турлари	Ўрин-кун ўртача бандлиги	Ўрин кун ҳаражатлари, сўм	Даволаш ҳаражатлари, сўм
Тамоксифен	10	396160	564235
Летрозол	10	396160	653135

3-жадвалда келтирилган сут беи ҳавфли ўсмаси касаллигини такроран стационар даволашда ҳам тамоксифен ва летрозол дори воситалари билан даволаганда ўрин-кун ҳаражатлари бир хил, даволаш ҳаражатларида летрозол дори воситаси билан даволаганда бунда ҳам 88900 сўмга кўплиги ҳисобланди.

4- ва 5-жадвалларда сут беи ҳавфли ўсмасини бирламчи ва такроран стационар доволашдаги ҳаражатлар таҳлили келтирилган.

**Сут беи ҳавфли ўсмасини бирламчи стационар даволашда
ҳаражатлар тузилиши, сўмда (2008 йил учун)**

Даволаш турлари	Ўрин-кун ҳаражатлари	Дори воситаларининг ҳаражатлари	Диагностика ва текшириш ҳаражатлари	Овқатланиш қиймати	Жами
Тамоксифен	396160 (52,7%)	45100 (6%)	284905 (38%)	25000 (3,33%)	751165
Летрозол	396160 (47%)	134000 (16%)	284905 (34%)	25000 (3%)	840065

5-жадвалда сут беи ҳавфли ўсмасини такроран стационар даволашда ҳаражатлар тузилиши келтирилган. Ҳаражатлар 4 гуруҳга бўлинган, бевосита тиббий ва бевосита нотиббий ҳаражатлар келтирилган.

**Сут беи ҳавфли ўсмасини такроран стационар даволашда
ҳаражатлар тузилиши, сўмда (2008 йил учун)**

Даволаш турлари	Ўрин-кун ҳаражатлари	Дори воситаларининг ҳаражатлари	Диагностика ва текшириш ҳаражатлари	Овқатланиш қиймати	Жами
Тамоксифен	396160 (70%)	45100 (8%)	97975 (17,4%)	25000 (4,6%)	564235
Летрозол	396160 (60,6%)	134000 (20,5%)	97975 (15%)	25000 (3,3%)	653135

Бевосита тиббий ҳаражатларга дори воситалари, лаборатория текширувлари, шифокорлар иш ҳақлари, даволаш муолажаларига беморни шифохонага келгунигача бўлган сарфлар кирса, бевосита нотиббий

ҳаражатларга беморни даволаш билан боғлиқ бўлган, даволаш парҳезлари, уни транспортда олиб келиш ҳаражатлари, беморни парваришlash ҳаражатлари ва бошқалар киради.

6-жадвалда сут беи ҳавфли ўсмаси касаллигининг гормонотерапиясида “касалланиш қиймати” таҳлили натижаларини фармакоиктисодий баҳолаш келтирилган. Бевосита тиббий ҳаражатлар сут беи ҳавфли ўсмасининг такроран стационар даволашда тамоксифен препарати билан даволанганда диагностика, шифокор текшируви ва дори воситалари ҳаражатлари умумий ҳаражатларнинг 143075 сўмини (25,36 %), бевосита нотиббий ҳаражатлар эса 421160 сўмини (74,64 %) ташкил этди. Летрозол дори воситаси билан даволаганда бевосита тиббий ҳаражатлар 231975 сўм бўлиб, умумий ҳаражатларнинг 35,5% ини, нотиббий ҳаражатлар эса 421160 сўм бўлиб, 64,5 % ини ташкил этди.

6-жадвал

**Сут беи ҳавфли ўсмаси касаллигининг гормонотерапиясида
“касалланиш қиймати” таҳлили натижаларини фармакоиктисодий
баҳолаш (2008 йил учун)**

Даволаш турлари	Бевосита тиббий ҳаражатлар, сўм	Бевосита нотиббий ҳаражатлар	“Касалланиш қиймати” кўрсаткичи, сўм
Тамоксифен	143075 (25,36%)	421160 (74,64%)	564235
Летрозол	231975 (35,5%)	421160 (64,5%)	653135

7-жадвалда касалликни такроран даволашнинг 10 ўрин-кун давомидаги ўртача ҳаражатлари келтирилган.

7-жадвал

**Сут беи ҳавфли ўсмасини такроран стационар даволашда
шифоҳонада сарфланадиган ўртача бевосита тиббий ҳаражатлар, сўмда
(2008 йил учун)**

Ҳаражатлар тоифаси	Ҳаражатлар қиймати, сўм	
	нархи	ўртача 10 ўрин-кунга
Бевосита тиббий ҳаражатлар		
Электрокардиограф	6650	6650
Сут безини ультратовуш ташхиси (УТТ)	9200	9200
Периферик лимфа тугунларини УТТи	10200	10200
Кўкрак қафасининг рентгеноскопияси	8345	8345
Кўкрак қафасининг компьютер томографияси	12915	12915
Қоннинг умумий таҳлили	9500	19000
Пешобнинг умумий таҳлили	4600	9200
Коагулограмма	10305	10305
Гинеколог маслаҳати	6065	6065
Онколог маслаҳати	6095	6095
Жами:	83875	97975

8-жадвалда сут беги ҳавфли ўсмасининг гормонотепиясида тамоксифен препарати билан даволашда ишлатиладиган дори воситалари қиймати тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Тамоксифен билан даволашда 5 та дори воситаси киритилган бўлиб, асосан антиметаболитлар, алкилловчи моддалар, антиэстероген модда тамоксифен, бу таркибга ёндош бўлиб кечадиган бошқа касалликларни даволашда ишлатиладиган дори воситалари киритилмаган. Умумий дори воситаларига сарфланган харажатлар 45100 сўмни ташкил қилди. Ёндош касалликларда комплекс даволашнинг қиймати ортиб боради. Даволаш жараёни ўртача 10 ўрин-кун давомида олиб борилган.

8-жадвал

**Сут беги ҳавфли ўсмасининг гормонотепиясида тамоксифен
препарати билан даволашда ишлатиладиган дори воситалари, сўмда
(2008 йил учун)**

Даволашда ишлатиладиган дори воситалари (1 та бемор учун)	Шакли	Микдори	Нархи	Қиймати
Метотрексат 25 мг 15 мл	фл.	2	8000	16000
Фторурацил 250 мг 15 мл	амп.	6	2500	15000
Циклофосфан 200 мг кукун инъек. учун	фл.	10	850	8500
Новокаин 5 мл	амп.	2	50	100
Шприц 5 мл	дона	2	50	100
Шприц 10 мл	дона	2	100	200
Система	дона	2	350	700
Таблетка тамоксифен 10 мг	дона	20	225	4500
Жами				45100

9-жадвалда сут беги ҳавфли ўсмасининг гормонотепиясида летрозол дори воситаси билан даволашда ишлатиладиган дори воситалари қиймати тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.


9-жадвал

**Сут беги ҳавфли ўсмасининг гормонотепиясида летрозол дори
воситаси билан даволашда ишлатиладиган дори воситалари, сўмда
(2008 йил учун)**

Даволашда ишлатиладиган дори воситалари (1 та бемор учун)	Шакли	Микдори	Нархи	Қиймати
Метотрексат 25мг 5 мл	фл.	2	8000	16000
Фторурацил 25 мг 5 мл	амп.	6	2500	15000
Циклофосфан 200мг кукун инък. учун	фл.	10	850	8500
Новокаин 0,5 % 10,0	амп.	2	50	100
Шприц 5 мл	дона	2	50	100
Шприц 10 мл	дона	2	100	700
Система	дона	2	350	200
Летрозол таблеткаси 2,5 мг	дона	10	9340	93400
Жами				134000

Умумий дори воситаларига сарфланган харажатлар 134000 сўмни ташкил қилди. Ёндош касалликларда комплекс даволашнинг қиймати ортиб боради. Даволаш жараёни ўртача 10 ўрин-кун давомида олиб борилган.

Сут беи ҳавфли ўсмаси касаллигини даволаш самарадорлигининг асосий омили- бу беморлар ҳаёт сифатининг яхшиланишидир. Бу кўрсаткич ЖССТ тавсия этган Карновский шкаласи ёрдамида баҳоланади(9-расм)



9-расм. “Касалланиш қиймати” таҳлилини Карновский шкаласи асосида баҳолаш

Тамоксифен қабул қилган беморда эса фаоллик фоизи аста-секин пасая боради. Бошланғич даврларда фаоллик фоизи 80 баллни, кейинги даврларда фаоллик фоизи 70-80 баллни, охириги даврларда фаоллик фоизи 70 баллни ташкил этади яъни бемор аҳволи салбий томонга ўзгара бошлайди.

Летрозол қабул қилган беморда фаоллик фоизи аста-секин ошиб бориши кузатилди. Бошланғич даврларда фаоллик фоизи 90-100 балл атрофида бўлади, кейинги даврларда фаоллик фоизи 90 балл, охириги даврларда фаоллик фоизи 100 баллга етади, яъни беморлар аҳволи яхшилана боради.

Ўтказилган изланишлар натижасида самарали дори воситаларини қўллаган ҳолда сут беи ҳавфли ўсмаси касаллигини даволашнинг илмий асосланган муқобил усули аниқланди. Олинган натижалар сут беи ҳавфли ўсмаси касаллигини даволашда беморлар ҳаёт сифатини яхшиловчи, ҳаёт давомийлигини узайтирувчи, даволаш муддатларини қисқартириш ва бюджет маблағларини иқтисод қилишга олиб келадиган дори воситаларни тавсия этиш имконини беради.

Сут беи ҳавфли ўсма касаллигини даволашда тамоксифен ва летрозол дори воситаларини қўллаган ҳолда адъювант гормонотерапиянинг турли даволаш усуллари учун сарфланган бюджет маблағларининг иқтисодий самарадорлиги аниқланди. Икки хил таққосланган даволаш усуллариининг фармакоиқтисодий таҳлил натижалари ва Карновский шкаласи бўйича баҳолаш летрозол дори воситаси билан даволаш беморларнинг даволаш самарадорлигини ошириши, ҳаёт сифатини яхшилаши ҳамда даволаш муддатларини қисқартириш имконини беришини кўрсатди.

Летрозол тамоксифенга нисбатан беморларнинг умумий яшовчанлик кўрсаткичини 5,7% га, касалликни рецидив яшовчанлигини 6,0% га оширади.

ХУЛОСАЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ўртасида онкологик касалликлар, жумладан сут беи ҳавфли ўсмаси касаллигининг тарқалиши ва ўсишини таърифловчи асосий тиббий демографик ҳамда ижтимоий кўрсаткичлар натижалари таҳлил қилинди;
2. Сут беи ҳавфли ўсма касаллигида ишлатиладиган дори воситалари ассортиментини контент таҳлил ўтказилди;
3. Сут беи ҳавфли ўсма касаллигини даволашда ишлатиладиган дори воситаларидан оқилона фойдаланиш бўйича ABC/VEN таҳлили ўтказилди;
4. Илк бор Ўзбекистон Республикасида самарали дори воситаларини қўллаган ҳолда сут беи ҳавфли ўсмаси касаллигини даволашнинг муқобил усулини танлашда фармакоиктисодий тадқиқотлар қўлланилди ва сут беи ҳавфли ўсма касаллигини даволашда “касалланиш қиймати”, “қиймат самарадорлик” таҳлили ўтказилди;
5. Сут беи ҳавфли ўсмаси касаллигини гормон препаратлари билан даволашда сарфланган харажатларнинг иқтисодий таҳлили ўтказилди. Бунда гормон препаратлари ҳисобланган тамоксифен ва летрозол дори воситалари билан даволаш усуллари таҳлил қилинди. Бевосита тиббий ва нотиббий харажатлар аниқланди.
6. Олинган натижалар “касалланиш қиймати”, “қиймат самарадорлик” таҳлили асосида баҳоланди. Иккала препаратнинг фармакологик таъсири ўрганилди. Даволаниш натижасида беморнинг аҳволи “Карновский шкаласи” бўйича белгиланди.
7. Илмий изланиш натижасида олинган тавсиялар асосида летрозол дори воситаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 24 июль 2009 йил 230-сон буйруғи билан тасдиқланган “Асосий дори воситалар рўйхати” ва РОИМ ҳамда онкологик диспансерлар формулярига киритилди.
8. Фармакоиктисодий таҳлил натижалари асосида “Дори воситаларининг фармакоиктисодий таҳлилини ўтказиш” мавзусида услубий тавсиянома чоп этилиб, у “Дори – дармон” акционерлик компанияси дорихона муассасалари амалиётида, РОИМ амалий фаолиятида ҳамда Тошкент Фармацевтика институти “Фармация” ва “Фармацевтика ишини ташкил қилиш” кафедралари ўқув жараёнига татбиқ этилди.
9. Олинган натижалар асосида “Дори воситалардан оқилона фойдаланишда ва самарали формулярлар яратишда ABC/VEN таҳлил услубиятининг аҳамияти” мавзусида ўқув услубий қўлланма чоп этилди ва Тошкент Фармацевтика институти Фармацевтика ишини ташкил қилиш кафедраси 5 курс талабалари учун “Фармацияда долзарб муаммолар” фанидан ўқув жараёнига татбиқ этилди.

ЧОП ЭТИЛГАН ИЛМИЙ ИШЛАР

1. Зайнутдинов Х.С., Султонова Г.А. Даволаш-профилактика муассасалари дорихоналарида ҳаётий зарур дори-дармонлар таъминоти // Фармацияда таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси: Тошкент Фармацевтика институтининг 65 йиллигига бағишланган илмий-анжуман тезислар тўплами. 23-24 октябр 2002. – Тошкент, 2002. – Б.127-128.

2. Давулов М., Султонова Г.А. Шифохона дорихоналарини дори воситалари билан таъминлаш муаммолари // Профессор М.А.Азизов таваллудининг 90 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман тезислар тўплами. 1-2 май 2003. – Тошкент, 2003. – Б. 151-152.

3. Султонова Г.А., Зайнутдинов Х.С., Каримова Д.А. Обеспеченность жизненно важными лекарственными средствами онкологических больных Республики Узбекистан // Человек и лекарство: Сборник материалов XIII Российского национального конгресса – Москва, 2006. – С. 797.

4. Комилов А.М., Султонова Г.А. Наманган вилояти бўйича онкологик касалликлар структураси таҳлили // Табиий хом ашёлар асосида дори воситаларининг олиниши, таҳлили ва қўлланишдаги ютуқлар: Профессор Р.Л.Хазанович таваллудининг 100 йиллигига бағишланган Республика илмий-амалий анжуман материаллари. 18-19 октябрь 2006. – Тошкент, 2006. – Б. 180-181.

5. Султонова Г.А., Зайнутдинов Х.С. Бухоро вилояти бўйича онкологик беморларнинг дори воситалари билан таъминланиш ҳолати // Табиий хом ашёлар асосида дори воситаларининг олиниши, таҳлили ва қўлланишдаги ютуқлар: Профессор Р.Л.Хазанович таваллудининг 100 йиллигига бағишланган Республика илмий-амалий анжуман материаллари. 18-19 октябрь 2006. – Тошкент, 2006. - Б. 182-183.

6. Султонова Г.А. Онкологик касалликларни даволашда ишлатиладиган дори воситалар маркетинг таҳлили // Табиий хом ашёлар асосида дори воситаларининг олиниши, таҳлили ва қўлланишдаги ютуқлар: Профессор Р.Л.Хазанович таваллудининг 100 йиллигига бағишланган Республика илмий-амалий анжуман материаллари. 18-19 октябрь 2006. – Тошкент, 2006. – Б. 194-195.

7. Султонова Г.А., Хидоятова З.Ш., Зайнутдинов Х.С. Анализ социологических исследований онкологических больных с определением социально демографического портрета и изучением качества жизни //Человек и лекарство: Сборник материалов XIII Российского национального конгресса - Москва, 2007. – С. 629.

8. Хидоятова З.Ш., Султонова Г.А., Достходжаева Р.И. Изучения потребности лекарственных средств применяемых при онкологических заболеваниях // Человек и лекарство: Сборник материалов XIII Российского национального конгресса – Москва, 2007. – С. 237.

9. Султонова Г.А., Зайнутдинов Х.С. Онкологик касалликларда ишлатиладиган дори воситаларини рационал тайинлаш ва ишлатилиш ҳолати

// Фармацияда таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси: Тошкент фармацевтика институтининг 70 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент, 2007. Б. 101-102.

10. Султонова Г.А., Зайнутдинов Х.С., Абдуллаев З.П. Онкологияда қўлланиладиган дори воситаларини ассортиментини ўрганиш // Фармацияда таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси: Илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент, 2008. – Б. 229-230.

11. Маматқулов З.У., Султонова Г.А. Онкологик дори воситалар истеъмолчиларининг маркетинг муҳитига таъсир этувчи омиллар таҳлили // Фармацияда таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг долзарб масалалари: Илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент, 2009. – Б. 163.

12. Султонова Г.А., Зайнутдинов Х.С. Онкологик касалликларда қўлланиладиган дори воситаларининг ABC ва VEN таҳлили // Фармацевтика журнали. – Тошкент, 2009. - №4. – Б. 13-15.

13. Султонова Г.А., Зайнутдинов Х.С. Маматқулов З.У. Сут беги хавфи ўсма касаллигида қўлланиладиган дори воситаларининг фармакоиктисодий изланишлари //Ўзбекистон фармацевтик хабарномаси. – Тошкент, 2010. -№1. Б. 36-39.

РЕЗЮМЕ

диссертации Султановой Гулнары Абилджановны на тему: «Фармакоэкономические исследования лекарственных средств, применяемых при лечении рака молочной железы» на соискание ученой степени кандидата фармацевтических наук по специальности 15.00.01 – технология лекарств и организация фармацевтического дела

Ключевые слова: фармакоэкономика, онкологические заболевания, адьювантная гормонотерапия, рациональное использование лекарств.

Объекты исследования: Исследования проводились на базе РОНЦ МЗ РУз. Предметом исследования явились законодательные и нормативно-правовые документы РУз отчеты Информационно-статистического центра МЗ РУз, социологические опросы и экспертные заключения по историям болезней.

Цель работы: фармакоэкономический анализ лекарственных средств, применяемых при лечении рака молочной железы и выбор эффективных, безопасных и экономичных лекарственных средств, позволяющих достичь улучшения качества жизни, увеличения ее продолжительности, сокращения сроков лечения и экономии бюджетных средств.

Методы исследования: методы фармакоэкономического анализа «стоимость болезни» и «эффективность затрат», ABC/VEN-анализ, контент-анализ, социологические методы исследования (опрос, индивидуальное анкетирование, экспертные оценки).

Полученные результаты и их новизна: впервые проведена фармакоэкономическая оценка лекарственных средств, применяемых при адьювантной гормонотерапии рака молочной железы с использованием метода «эффективность затрат». Для выявления прямых медицинских затрат, диагностики и лечения адаптирована методика проведения анализа «стоимость болезни». Изучена и оценена структура обеспечения лекарственными средствами онкологических больных раком молочной железы в условиях лечебно-профилактического учреждения с использованием ABC/VEN-анализа;

Практическая значимость: в результате проведенных исследований впервые определены оптимальные методы лечения рака молочной железы с применением эффективных лекарственных средств и научно обоснованного подхода к их рациональному использованию.

Степень внедрения и экономическая эффективность: на основе результатов проведенных исследований препарат летрозол введен в «Список основных лекарственных средств», утвержденный приказом МЗ РУз за №230 от 24 июля 2009 года. Разработанные методическая рекомендация и учебно-методическое пособие внедрены в практику аптечных учреждений Акционерной компании «Дори-Дармон», РОНЦ РУз и учебный процесс на кафедрах «Фармация» и «Организация фармацевтического дела» Ташкентского фармацевтического института.

Область применения: медицинская и фармацевтическая практика.

Фармацевтика фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Султанова Гулнора Абилджановнанинг 15.00.01 – дори технологияси ва фармацевтика ишларини ташкил этиш ихтисослиги бўйича “Сут беги ҳавфли ўсмаси касаллигини даволашда ишлатиладиган дори воситаларининг фармакоиктисодий изланишлари” мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕ СИ

Таянч (энг муҳим) сўзлар: фармакоиктисодиёт, онкологик касалликлар, адъювант гормонотерапия, дори воситаларидан оқилана фойдаланиш.

Тадқиқот объектлари: Ўзбекистон РОИМ, беморлар касаллик варақалари баённомалари, статистик ҳисобот материаллари, эксперт ҳулосалари, ЎзР ССВ ахборот таҳлил маркази маълумотлари.

Ишнинг мақсади: Сут беги ҳавфли ўсмаси касаллигини даволашда ишлатиладиган дори воситаларининг фармакоиктисодий таҳлилини ўтказиш ҳамда ҳаёт сифатини яхшилаш, унинг давомийлигини узайтириш, даволаш муддатларини қисқартириш ва бюджет маблағларини иқтисод қилиш имконини берадиган дори воситалари билан даволашнинг муқобил усулини танлаш.

Тадқиқот усуллари: фармакоиктисодий усуллар: ABC/VEN-таҳлил, “касаллик қиймати”, “қиймат самарадорлик” ва контент-таҳлил.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Биринчи маротаба “касалланиш қиймати” ва “қиймат – самарадорлик” таҳлиллари ёрдамида сут беги ҳавфли ўсмаси касаллигини адъювант гормонотерапиясида ишлатиладиган дори воситаларининг фармакоиктисодий изланишлари ўтказилди. ABC/VEN таҳлил усуллари ёрдамида даволаш-профилактика муассасаси шароитида сут беги ҳавфли ўсмаси билан касалланган беморларни дори воситалар таминоти ўрганилди.

Амалий аҳамияти: биринчи маротаба сут беги ҳавфли ўсмасини адъювант гормонотерапиясида қўлланиладиган дори воситалари қўллаган ҳолда самарадор даволаш усули аниқланди ва илмий асосланди.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: илмий изланиш тавсиялари асосида летрозол дори воситаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2009 йил 24 июль 230-сон буйруғи билан тасдиқланган “Асосий дори воситалари рўйхати” га киритилди. Ишлаб чиқилган услубий тавсиянома ва ўқув услубий кўрсатма “Дори – дармон” акционерлик компанияси дорихона муассасалари амалиётида, РОИМ амалий фаолиятида ҳамда Тошкент Фармацевтика институти “Фармация” ва “Фармацевтика ишини ташкил қилиш” кафедралари ўқув жараёнига татбиқ этилди.

Қўлланиш соҳаси: тиббиёт ва фармацевтика амалиёти.

RESUME

Thesis of Sultanova Gulnora Abildjanovna on the scientific degree competition of the candidate of sciences in Pharmacy on speciality 15.00.01 - drug manufacturing technology and pharmacy organizing; subject: "Pharmacoeconomic researches of medicinal agents used in treatment of mammary gland cancer"

Key words: pharmacoeconomics, oncology diseases, adjuvant hormonal therapy, rational use of medicaments.

Subject of research: Researches were conducted on the base of Republic oncology scientific centre under the Ministry of Public Health of the Republic of Uzbekistan. Legislative and normative-legal documents of the Republic of Uzbekistan, reports of the Information Statistic Centre under the Ministry of Public Health of the Republic of Uzbekistan, sociologic questionings and expert conclusions on illness (disease) history were subjects of research.

Purpose of work: pharmacoeconomic analysis of medicinal means used in treatment of mammary gland cancer and the choice of effective safe economic medicinal means, allowing to achieve the improvement of life quality, increasing of its duration (lasting), decreasing of treatment terms and economy of budget means.

Methods of research: "Cost of disease" and "Cost-effectiveness" ("Efficacy of expenditures") methods of pharmacoeconomic analysis, ABC/VEN-analysis, content-analysis, sociological methods of research (questioning, individual inquiry, expert assays).

The results obtained and their novelty: For the first time pharmacoeconomic assay of medicinal means used in adjuvant hormonal therapy of mammary gland cancer using "Cost- efficacy" ("Efficacy of expenditures") method was conducted. Method for conducting of "Cost of disease" analysis was adapted for founding out of direct medical expenditures for diagnosis and treatment.

Practical value: As a result of researches conducted for the first time optimal treatment methods of mammary gland cancer using effective medicinal agents and scientifically well founded approach to their rational use were determined.

Degree of embed and economic effectivity: on the base of conducted researches results Letrozol preparation was embed to "The list of main drugs" confirmed by order №230 of the Ministry of Public Health of the Republic of Uzbekistan from the 24th july 2009.

Developed methodic recommendation and educationally-methodic indication were introduced to the practice of pharmacy organizations of "Dori-Darmon" Joint venture Company, Republic oncology scientific centre under the Ministry of Public Health of the Republic of Uzbekistan and educational process at the "Pharmacy" and "Pharmacy organizing" departments of Tashkent pharmaceutical institute.

Field of application: medical and pharmaceutical practice.